БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАМУРАТОВ УМАРЖОН РУСТАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР СОҲАДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ (1985 – 2016 йй.)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус - 2021

УДК:338.43.02:94(575.1)(043.3)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Хўжамуратов Умаржон Рустамович
Ўзбекистонда аграр соҳадаги трансформация жараёнлари
(1985-2016 йй.).....5

Хўжамуратов Умаржон Рустамович
Процессы трансформации в аграрной сфере в Узбекистане
(1985-2016 гг.).....25

Khujamuratov Umarjon Rustamovich
Transformation processes in the agriculture of Uzbekistan (1985-2016) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....51

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ХЎЖАМУРАТОВ УМАРЖОН РУСТАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР СОҲАДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ (1985 – 2016 йй.)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tar37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич** тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Сарыбаев Маман Ктайбекович** тарих фанлари доктори, доцент
	Рахматуллаев Шавкатжон Муҳаммадалиевич тарих фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «14» «10» куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, академик Ч.Абдиров кўчаси №1. Тел.: (99361) 223-60-49; fax: (361) 223-60-49. e-mail: karsu.info@gmail.ru).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (77 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99361) 223-60-49; fax: (361) 223-60-49. e-mail: karsu.info@gmail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «4» 10 куни тарқатилди.

(2021 йил «4» 10 даги 8 рақамли реестр баённомаси)

Р.Б.Баллиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

Х.М.Отегенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.А.Кошанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув шароитида ривожланаётган давлатлар аграр соҳани ривожлантириш мамлакат иқтисодий қувватини оширишнинг муҳим гарови эканини англаб етдилар. Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида аграр соҳа нафақат озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда, балки қайта ишлаш саноатини ҳомашё билан таъминлашда ҳам ўзига хос ўринга эга. Асрлар давомида такомиллашиб келган аграр соҳадаги мулкий муносабатлар ва хўжалик юритишнинг турли хил шаклларини амалиётга татбиқ этиш бугунги кун жаҳон ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги ва унинг ривожланиш жараёнлари, аграр соҳадаги институционал ва структуравий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, қишлоқ аҳолисини иш билан банд бўлишини таъминлашда аграр соҳа имкониятларидан фойдаланиш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини интенсив усулларини кенг қўллаш, таркибий тузилмаларни ислоҳ қилиш, хусусан соҳадаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, инновацион ишланмалар ва технологияларни тадбиқ қилиш, замонавий бозор муносабатларини кенг жорий қилишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида замон талабларига жавоб берадиган иқтисодий жиҳатдан рентабеллиги юқори бўлган деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш, аграр соҳа субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, инвестицияларни кенг жалб этиш, тежамкор технологияларни жорий қилиш ҳамда замонавий техникалар билан таъминлашга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Фермер ва деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигида асосий куч бўлиб, нафақат мазкур соҳани, балки бутун мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш, юртимизни ҳар жиҳатдан обод ва фаровон қилишда беқиёс ишларни амалга ошираётганини бугун фахр ва ғурур билан, миннатдорчилик билан қайд этамиз”[1]. Шунингдек, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилган ислоҳотлар, хусусий ва янги мулк шаклларининг вужудга келиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрнини мустақил тадқиқот сифатида тарихий жиҳатдан тадқиқ қилиш танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 30

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи // https: // president.uz/uz/lists/view/1331.

июлдаги ПҚ-4795-сон “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ва Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ёритишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда 1985 – 2016 йиллардаги аграр соҳа тарихига бағишланган тадқиқотларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга совет ҳокимияти даврида нашр этилган тарихий адабиётлар; иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ва учинчи гуруҳга хорижда нашр этилган асарлар киради.

Биринчи гуруҳга оид тадқиқотлар[2] (улар XX аср 80-йилларида яратилган), асосан, совет ҳокимиятининг сўнгги йилларида ёзилган. Бу даврда нашр қилинган адабиётларда коммунистик мафкура нуқтаи назаридан муаммога бир ёқлама ёндашилган. Тадқиқотларда аграр соҳани социалистик йўлга солишда партия ташкилотларининг ўрни, колхоз ва совхозлар тузилиши ва уларнинг пахта яккаҳокимлигига асосланган фаолияти улуғланган.

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар киради. Тарихчилар, иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар томонидан аграр соҳага оид кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Тарихчи олимлардан Р.Х. Аминова, И.А. Алимов, А.А. Голованов, И.М. Саидов, М. Маҳмудовлар[3]

---

[2]Аминова Р.Х. Колхозное крестьянство Узбекистана на пути к развитому социализму. – Ташкент: Узбекистан, 1983; Гулямов С.С. Моделирование развития региональных аграрно-промышленных комплексов. – Ташкент: Фан, 1985. – 199 с.; Вахидова С.Л. Совершенствование планирования и размещения сельскохозяйственных отраслей хлопкового комплекса Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1986; Голованов А.А. Селькохозяйственные рабочие Узбекистана (1946-1961гг.). – Ташкент: Фан, 1987; Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: тарихий очерклар. XVI китоб. – Тошкент: Меҳнат, 1987; Основные показатели работы колхозов Узбекской ССР за 1971-1985 гг. – Ташкент: Редакционно-издательский отдел Госагропрома УзССР, 1987. – 184 с.; Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: тарихий очерклар. XVII китоб. – Тошкент: Меҳнат, 1988; Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ижара пудратини ташкил этиш тўғрисида тавсиялар. – Тошкент, 1988; Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: тарихий очерклар. XVIII китоб. – Тошкент: Меҳнат, 1989; Сахаров Г.В. Экономико-экологические основы развития и размещения производительных сил региона (на примере республик Средней Азии). – Ташкент: Фан, 1991. – 36 с.; Алимов И.А. Исторический опыт аграрных преобразований в Хорезмской и Бухарской Народных Советских Республик: Автореф. дисс… докт. ист. наук. – Ташкент, 1991 ва б.

[3] Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1995; Алимов И.А. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 й.). – Тошкент: Фан, 2009; Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг. – Ташкент: Фан, 1992; Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв. – Самарканд, 2007; Саидов И.М. Рабочий класс в аграрных преобразованиях Узбекистана (1929-1941 гг.): Автореф. дисс… докт. ист. наук. – Ташкент, 1992. – 22 б.; Маҳмудов М. Хоразм

билан бир қаторда Б.Б. Утемуратов, М.К. Сарибаев, Г. Караманова ва С. Мамажоновлар[4] ҳам аграр соҳага оид илмий тадқиқотлар олиб боришган ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. С. Мамажонов аграр соҳада фермер хўжалигининг ташкил топиш жараёни ҳамда унинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрнини ўрганган. Ҳ. Абуев[5] Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг оқибатларини таҳлил қилган.

Шунингдек, Д. Бобожонова, Н. Жўраев, Т. Файзуллаев[6] ва бошқаларнинг тадқиқотларида қайта қуриш йилларида колхозларнинг фаолияти атрофлича таҳлил этилган. Ўзбекистон тарихига оид фундаментал тадқиқотларда ҳам бу масаланинг айрим жиҳатлари кўрсатилган[7]. Тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов бошчилигида яратилган Ўзбекистон тарихига оид бир қатор нашрлар (солнома, маълумотнома, ўқув қўлланма, дарслик ва тарихий эсселар)да ҳам кўрсатилган хронологик даврда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг трансформацияси масалалари тадқиқ қилинган[8].

Иқтисодчи олимлардан Ҳ. Ҳайдаров, Ш. Олимжонова, Қ. Яҳёев, М. Абдуллаев, И. Қосимов, К. Юсупбоев, М. Исмаилова, А. Абдуғаниевларнинг[9] мақолаларида Ўзбекистонда аграр соҳани ривожлантириш тенденциялари илмий жиҳатдан очиб берилган. Мустақиллик йилларида аграр соҳага оид

вилоятида фермерлик ҳаракати: ривожланиши ва истиқболлари // Хоразм тарихи истиқлол кўзгусида. – Урганч: ТТА УФ, 2013. – Б. 123-127.

[4] Утемуратов Б.Б. Фермерские хозяйства Каракалпакии в настоящее время // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан, 1996. – №3. – С. 77-79; Утемуратов Б.Б. Дехканские (фермерские) хозяйства республики Каракалпакстан: история возрождения и развития (1917-1996 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1999. – 24 с.; Сарыбаев М. Политика хлопковой монокультуры советской власти в Каракалпакистане и ее последствия (1917-1990 гг.). – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2008; Караманова Г. История аграрных отношений в Каракалпакстане (1917-1941 годы): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2012. – 30 б.; Мамажонов С. Аграр соҳада ўтказилаётган ислоҳотларда фермер хўжаликларини ўрни // “ЎзМУ хабарлари”. – Тошкент, 2008. – №2. – Б. 138-139; Ўзбекистон фермер хўжаликларининг пахта етиштиришга қўшган ҳиссаси // “АДУ Илмий хабарномаси”. – Андижон, 2010. – №4. – Б. 71-73; Мамажонов С. Ўзбекистонда аграр ислоҳотларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг ўрни (1991-2004 йиллар): Тарих фанлари номзодлиги учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2011.

[5] Абуев Ҳ. Совет ҳокимиятининг қайта қуриш сиёсати ва унинг Ўзбекистонга таъсири (1985-1991 й.): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020.

[6] Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: Н.Жўраев – Тошкент: Шарқ, 2000; Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Илмий муҳаррир: Д. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2001.

[7] Ўзбекистон тарихи (1917-1991йиллар). Иккита китоб. Иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019.

[8] Ражабов Қ. Бухоро вилояти тарихи (қисқача мълумотнома). – Тошкент: Tafakkur, 2015; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). 6-нашр. – Тошкент: O‘zbekiston, 2015; Rajabov Q., Zamonov A. O‘zbekiston tarixi (1917-1991-y.). – Toshkent: G`afur G`ulom nashriyoti, 2017; Ражабов Қ Назир Ражабов. – Тошкент: Bodomzor invest, 2021 va b.

[9] Ҳайдаров Ҳ. Фермерчилик истиқболлари ёки деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўллари хусусида // “Иқтисод ва ҳисобот”, 1993. – №4. – Б. 28-29; Олимжонова Ш. Деҳқон хўжаликлари ривожланса ёки ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш ҳақида // “Иқтисод ва ҳисобот”, 1993. – №11-12. – Б. 46-47; Яҳёев Қ. Қишлоқ хўжалигида солиқ тизими // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 1998. – №5-6. − Б. 11; Абдуллаев М., Қосимов И. Деҳқонлар манфаатини кўзлаб // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 1999. – №1. – Б. 16-19; Юсупбоев К. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 1999. – №3. – Б. 2-4; Исмоилова М. Деҳқон ва фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 1999. – №4. – Б. 3-14; Абдуғаниев А. Фермерчиликни ривожлантириш шартлари // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 2000. – №3. – Б. 6.

диссертация тадқиқотларининг аксарияти иқтисодчи олимлар томонидан яратилган. Жумладан, Н.С. Хушматов, У.В. Гафуров, М.Р. Исмаилова, Б.Ж. Хакимов, Ш.А. Аллаёров, И.Т. Қурбонов, Х.Т. Фармонов, А.С. Нуруллаев, Б.Х. Маматқулов, А.М. Аманов, З.М. Муқимов, Т.Ю. Дадабоев, А.Х. Бердиев, Б.И. Хўжамурадов, Р.Х. Тошматов, Ш.Х. Хамдамов, М.Ш. Хожибоев, К.Ф. Тошматов, Н.Н. Асқаров каби иқтисодчилар[10] аграр соҳанинг иқтисодий томонларини тадқиқ этганлар. Аграр соҳанинг иқтисодий томонларига оид дастлабки илмий ишлардан бири Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Иқтисод илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан чоп қилинган "Деҳқончилик – саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкни хусусийлаштириш бўйича тавсиялар" нашри ҳисобланади[11]. Унда жамоа хўжаликларини қайта ташкил этиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкни хусусийлаштиришда ер муносабатларининг шакллари ва тартиби ҳамда молиявий жиҳатлари ҳақида сўз юритилади.

Н.Тўхлиев, Н.Санаев, Х.Абдусаломов, Т.Фармонов каби иқтисодчи олимларнинг илмий монографияларида эса аграр соҳанинг иқтисодий

---

[10] Хушматов Н.С. Эффективность формирования дехканских (фермерских) хозяйств и совершенствование их взаимоотношений с другими предприятиями (на материалах Бухарской области): Автореф. дисс ... канд. экон. наук. – Тошкент, 1994. – 22 с.; Гафуров У.В. Экономическая природа дехканских (фермерских) хозяйств и особенности их развития: Автореф. дисс ... канд. экон. наук. – Андижон, 1995. – 25 с.; Исмаилова М.Р. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилни ташкил қилишни такомиллаштириш масалалари: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2002. – 20 б.; Хакимов Б.Ж. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисоби, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва уларнинг таҳлили: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2002. – 22 б.; Аллаёров Ш.А. Аграр соҳани мулкий ислоҳ қилиш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг назарий масалалари: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б.; Қурбонов И.Т. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятлари: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – 20 б.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – 50 б.; Нуриллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва деҳқон хўжаликларини суғурталаш масалалари: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – 24 б.; Маматқулов Б.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш (Сирдарё вилояти мисолида): Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2006. – 25 б.; Аминов А.М. Деҳқон ва фермер хўжаликларини солиққа тортишни такомиллаштириш йўналишлари: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2009. – 19 б.; Муқимов З.М. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ва моддий-техника таъминоти тизимини такомиллаштириш йўллари (Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари мисолида): Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.; Дадабоев Т.Ю. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини такомиллаштириш: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2009. – 29 б.; Хўжамурадов Б.И. Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатлари ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 26 б.; Тошматов Р.Х. Фермер хўжаликлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 26 б.; Ҳамдамов Ш.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Андижон вилояти мисолида): Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 25 б.; Хожибоев М.Ш. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер ва деҳқон хўжаликларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 24 б.; Тошматов К.Ф. Фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2010. – 18 б.; Асқаров Н.Н. Фермер хўжаликларида ноқишлоқ хўжалик фаолиятини ривожлантириш йўллари: Иқтисод фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2011. – 24 б.

[11] Деҳқончилик – саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкни хусусийлаштириш бўйича тавсиялар // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Иқтисод илмий тадқиқот институти. – Тошкент, 1991.

аҳамияти ўрганилган[12]. Нурислом Тўхлиев илмий муҳаррирлигида тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти” номли коллектив монографияда аграр ислоҳотларнинг стратегияси, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётда тутган ўрни, янги хўжалик юритиш шакллари ҳақида сўз юритилади.

А. Зульяров, М. Усмонов, Б. Ибратов, А. Ниғматов[13] каби ҳуқуқшунос олимларнинг мақолаларида, Т.Ш. Қаллибеков, Ю. Турсунов, К.О. Синдаров, Ш.О. Бобоқулов, А.А. Жуманов тадқиқотларида[14] муаммонинг ҳуқуқий томонлари ва аграр соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар тадқиқ этилган.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида аграр соҳанинг ўрни ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари, фермер хўжаликларининг ташкил топиши, уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари ҳуқуқшунос олимлар Ш. Рўзиназаров, Ф. Отахонов, У. Эрназаров, Б. Ибратов, Ш. Назаров, Қ. Синдаров, М. Абдусаломов, С. Сирожиддинов, А.Р. Бобожонов, С.Р. Шарипов, М.Б. Усмонов, Й.О. Жўраев асарларида тадқиқ этилган[15].

О. Олимжонов, Т. Фармонов, С. Сирожиддинов, М. Қосимов, И. Рафиқовлар[16] томонидан тайёрланган “Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари” номли асарда эса фермер хўжаликларининг шартномавий муносабатлари, ер ва сувдан фойдаланиш тартиби, суғурта ва солиқ тизими, моддий-техника ресурслари етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро муносабатлари батафсил баён қилинади.

Учинчи гуруҳга мансуб хориж тадқиқотчилари М. Эйхольц, К. Ван Аше, Л. Оберкирхер, А.К. Хорнидж, С. Блох[17] томонидан аграр соҳага доир

---

[12] Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1998; Санаев Н., Абдусаломов Х. Фермер хўжаликларида иш ва ҳисоб-китоб юритиш. – Тошкент: Шарқ, 2001; Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.

[13] Зульяров А., Усмонов М. Деҳқон хўжалиги ёки унинг қонунлар орқали ҳимояланиши хусусида // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 1993. – №2. – Б. 65-66; Ниғматов А. Ер – ризқу рўзимиз // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, 2003. – №6. – Б. 8-9.

[14] Қаллибеков Т.Ш. Деҳқон хўжалигининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми: Юридик фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 1997. – 24 б.; Турсунов Ю. Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил топиши ва фаолиятининг фуқоролик ҳуқуқий муаммолари: Юридик фанлари номзоди дис... автореф. – Тошкент, 2004. – 20 б.; Синдаров К.О. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: Юридик фанлари доктори дис... автореф. – Тошкент, 2004. – 47 б.; Бобоқулов, Ш.О. Фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш муаммолари: Юридик фанлари номзоди дис... автореф. – Тошкент, 2006. – 26; Жуманов А.А. Ер низоларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш муаммолари: Юридик фанлари номзоди дис... автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.

[15] Рўзиназаров Ш., Отахонов Ф., Эрназаров У. Қандай қилиб фермер бўлиш мумкин? – Тошкент: Адолат, 1997; Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. – Тошкент: Молия, 2001; Назаров Ш., Синдаров Қ. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Кансаудитинформ, 2002; Абдисаломов М. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлик шартномалари. – Тошкент: Кансаудитинформ, 2002; Сирожиддинов С. Фермерлик фаолияти қонун ҳимоясида. – Тошкент: Чўлпон, 2005; Бобожонов А.Р., Шарипов С.Р. Ер ҳуқуқи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007; Усмонов М.Б., Жўраев Й.О. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. – Тошкент: Илм Зиё, 2012.

[16] Олимжонов О., Фармонов Т., Сирожиддинов С., Қосимов М., Рафиқов И. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Тошкент: Университет, 2005.

[17] Michael Eichholz, Kristof Van Assche, Lisa Oberkircher & Anna-Katharina Hornidge (2013). Trading capitals? Bourdieu, land and water in rural Uzbekistan // Journal of Environmental Planning and Management, 56:6, 868-892, DOI: 10.1080/09640568.2012.708650. C.Bloch Agrarian Reform in Uzbekistan and other Central Asian Countries // Working paper № 49 May 2002/

мақолалар ёзилган. Е. Кан ва Дж.Р.А. Ламерс[18] Хоразм воҳасида фермерлик ҳаракатини тадқиқ қилганлар. М.С. Спехлер[19] ўз асарларида Ўзбекистоннинг иқтисодий моделини ўрганган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бу ислоҳотларнинг иқтисодий, ҳуқуқий томонлари, асосан, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган, деб айтиш мумкин. Аммо ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи бўғинларидан бири бўлган аграр соҳанинг халқимиз ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамияти тарихий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган. Хусусан, тарихчилар томонидан Ўзбекистондаги фермерлик ҳаракати, ундаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатилган тадқиқотлар ёзилмаганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Булар эса мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинишига имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий – тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида ИФА-2012-1-4 “Ўзбекистон тарихи (1917-1991й.) номли инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда XX асрнинг охири ва XXI аср бошларидаги аграр соҳадаги ўзгаришлар, янгича мулк шаклларининг вужудга келиш жараёнлари тарихини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда аграр соҳадаги ер эгалигининг совет модели ва унинг инқирозга учраш сабабларини очиб бериш;

қайта қуриш йилларида аграр соҳа инқирозининг олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирларни ўрганиш;

аграр соҳада турли мулк шаклларининг вужудга келиш сабабларини тадқиқ этиш;

аграр соҳани ривожлантириш стратегияси: ҳуқуқий ва ташкилий асосларини таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлари) ривожланишидаги зиддиятларни, уларга санациянинг қўлланилиши ва тугатилиш жараёнларини кўрсатиш;

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатига тўлиқ ўтилиши натижасида соҳадаги ютуқ ва муаммоларга баҳо бериш;

аграр соҳада фермерлик ҳаракатининг мамлакат халқ хўжалигида тутган ўрнини очиб бериш кўзда тутилган.

Тадқиқотнинг объекти қилиб, 1985-2016 йилларда Ўзбекистонда аграр соҳадаги трансформация тарихи белгиланди.

---

[18] Kan E., Lamers John. P.A., Eshchanov R., Khamzina A. (2008) Smallscale farmers' perceptions and knowledge of tree intercropping systems in the Khorezm region of Uzbekistan // Forests, Trees and Livelihoods, 18:4, 355-372, DOI: 10.1080/14728028.2008.9752643.

[19] Spechler M.C. The Political Economy of Reform in Central Asia. L: Routledge, 2008.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда аграр соҳада ер эгалигида янги мулк шаклларининг вужудга келиши, фермерлик ҳаракати ҳамда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотларнинг тенденциялари, ривожланиш омиллари, йўналишлари ва шакллари, амалга оширилган ислоҳотлар ва ўзгаришлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, тизимлаштириш ва статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аграр соҳадаги ислоҳотлар ва у билан боғлиқ зиддиятли омиллар учта тарихий босқичга бўлиниб, дастлабки босқич 1985-1997 йилларни ўз ичига олиб, унда қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши, иккинчи босқич 1998-2007 йилларда дастлаб зарар кўриб ишлаётган, кейинчалик барча ширкат хўжаликларининг экин ерлари фермер хўжаликларига айлантирилганлиги, учинчи босқич 2008-2016 йилларни қамраб олгани ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалда тўлиқ жорий этилган фермер хўжаликларини мақбуллаштириш жараёнлари билан боғлиқлиги аниқланган;

қишлоқ хўжалигида асрлар давомида мавжуд бўлган хусусий ер эгалигининг собиқ совет ҳокимияти йилларида тугатилиши, синфийлик нуқтаи-назаридан ўзига тўқ деҳқонлар ҳуқуқларининг чекланиши ҳамда омилкор деҳқонларга нисбатан босимнинг кучайиши каби тазйиқлар қишлоқда яшовчи аҳолининг турмуш даражасини пасайишига олиб келганлиги далилланган;

XX аср охири ва XXI аср бошларида жамоа ва ширкат хўжаликларининг рентабеллигини оширишга қаратилган асосий фондлардан, айланма маблағлар ва банк кредитларидан самарали фойдаланиш, қўшимча қувватлар ва резервларни аниқлаш ҳамда бошқарув структурасини такомиллаштиришга асосланган санация чора-тадбирларининг тўлиқ ўзини оқламаганлиги натижасида қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатининг кенг ёйилганлиги исботланган;

аграр соҳада соғлом ва диверсификациялашган ишлаб чиқариш тузилмаларини барпо қилиш, ихтисослашиш, бозор коньюктурасига мослаштириш каби трансформация жараёнларининг амалга оширилиши, қишлоқдаги колхозчилар ва совхоз ишчилари каби синфлар ўрнида пудратчи, ижарачи, акциядор, деҳқон, фермер, томорқачи, тадбиркор сингари турли ижтимоий қатламлар ва мулк эгаларининг пайдо бўлишига олиб келганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда колхоз ва совхоз тизими инқирозини келтириб чиқарган омиллар ва уларнинг мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсири очиб берилган;

қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ташкил топиши ҳамда уларнинг фаолиятига оид манбалар ва ҳужжатлар илмий муомалага тортилган;

аграр соҳа тарихи ва назариясига оид жаҳонда тан олинган қарашлардан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихини тадқиқ қилиш ва ўқув жараёнида қўллаш мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлари аниқланган;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, соҳага оид турли ташкилотлар, аввало, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кластерлари фаолияти учун таҳлилий маълумотлар тайёрлашда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизимида турли маъруза, семинар-тренинг машғулотларини ўтказиш юзасидан таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фани соҳасида тан олинган назарий ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, бирламчи манбалар бўлган архив ҳужжатлари ва илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда аграр соҳада юритилган сиёсатнинг моҳиятини ўрганишга, ширкат хўжалиги, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги каби турли мулк шакллари ҳақидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон тарихининг қайта қуриш ва мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганишда ҳамда тарихий билимларни ривожлантиришда, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим тизимида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Мавзуга доир олиб борилган тадқиқотлар юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

аграр соҳадаги ислоҳотлар ва у билан боғлиқ зиддиятли омиллар учта тарихий босқичга бўлиниб, дастлабки босқич 1985-1997 йилларни ўз ичига олиб, унда қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши, иккинчи босқич – 1998-2007 йилларда дастлаб зарар кўриб ишлаётган, кейинчалик барча ширкат хўжаликларининг экин ерлари фермер хўжаликларига айлантирилганлиги, учинчи босқич 2008-2016 йилларни қамраб олгани ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалда тўлиқ жорий этилган фермер хўжаликларини мақбуллаштириш жараёнлари билан боғлиқлиги аниқланган натижалардан Ўзбекистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан ўтказилган “Барчаси ёш фермерлар истиқболи учун” номли маҳорат дарсларида, “Фермер-фермерга” ўқув семинарларида, “Ҳар бир ёшга бир гектар” ва “Бир фермерга битта ёш” лойиҳаларида кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2021 йил 6 августдаги №01-03-2109 сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг ўқув семинарларда қўлланилиши фермерлар, деҳқонлар ва томорқа ер эгаларининг мулкка дахлдорлик туйғуларини кучайтиришга хизмат қилган;

қишлоқ хўжалигида асрлар давомида мавжуд бўлган ҳусусий ер эгалигининг совет ҳокимияти йилларида тугатилиши, синфийлик нуқтаи-назаридан ўзига тўқ деҳқонлар ҳуқуқларининг чекланиши ҳамда омилкор деҳқонларга нисбатан босимнинг кучайиши каби тазйиқлар қишлоқда яшовчи аҳолининг турмуш даражасини пасайишига олиб келганлигига оид натижалар икки жилдлик “Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991й.) номли коллектив монографияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 28 майдаги 3/1255-14-39 – сон маълумотномаси)”. Илмий натижаларнинг жорий қилиниши аграр соҳага оид ислоҳотларнинг тарихи, мақсади ва моҳияти ҳамда унинг аҳамиятини ўрганиш учун кенг имконият яратган;

аграр соҳада соғлом ва диверсификациялашган ишлаб чиқариш тузилмаларини барпо қилиш, ихтисослашиш, бозор коньюктурасига мослаштириш каби трансформация жараёнларининг амалга оширилиши қишлоқдаги колхозчилар ва совхоз ишчилари каби синфлар ўрнида пудратчи, ижарачи, акциядор, деҳқон, фермер, томорқачи, тадбиркор сингари турли ижтимоий қатламлар ва мулк эгаларининг пайдо бўлишига олиб келганлиги далилланган хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканалида 2019 йил 25 ноябрдан 6 декабргача эфирга узатилган Ўзбекистоннинг совет даври тарихига бағишланган кўрсатувлар сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston teleradiokanali”нинг 2020 йил 22 январдаги №02-40-162-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши телетомошабинларда қайта қуриш даврида аграр соҳадаги аҳвол, қишлоқ хўжалигида янги мулк шаклларининг вужудга келиши, фермер хўжаликларининг ташкил топиши, шахсий томорқа хўжаликларининг ривожланиши билан боғлиқ тасаввурларининг кенгайишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий конферецияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 та мақола Республика журналларида ва 2 та мақола хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган;

тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида совет модели ва унинг инқирози (1985–1997й.)"** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда XX аср 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошларида аграр соҳанинг аҳволи, қишлоқ хўжалигидаги инқирозий ҳолатлар, янги мулк шаклларининг вужудга келиш жараёнлари таҳлил этилган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 70 йилдан ортиқ муддат мавжуд бўлган совет модели ўзини оқламади. XX аср 20-йиллари охири ва 30-йиллари бошларида ўтказилган кескин чоралар натижасида бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам мажбурий равишда коллективлаштириш амалга оширилиб, колхозлар (жамоа хўжаликлари) ва совхозлар (давлат хўжаликлари) ташкил қилинган эди. Бу даврда ўзбек қишлоғида катта фожиа юз бериб, ўзига тўқ деҳқон хўжаликлари қулоқ қилинди ва йўқотилди.

Ўн йиллар давомида колхоз-совхоз тизими бир қадар барқарор ривожланди. Бироқ бу ривожланиш ортида қишлоқ аҳолисининг фидокорона меҳнати, кучли маъмурий бошқарув тизими, қишлоқ устидан шаҳарнинг эксплуатацияси ётган. Колхозчилар барча кўрсаткичлар бўйича ишчилар синфидан паст турган. Деҳқон атамаси бу пайтда ўзининг асл моҳиятини йўқотган эди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 1985-1986 йиллардан бошлаб, бошқарувнинг янги шакли юзага келди. Барча туманларда район агросаноат бирлашмалари (РАПО) ташкил қилинди. РАПО жойларда қишлоқ хўжалигини асоссиз равишда қайта қуриш, турли самарасиз ислоҳотлар ўтказиш билан шуғулланди. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги бу жараёнлар ўзини оқламади. Бутун Иттифоқда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам агросаноат комплекси ўз олдига қўйган мақсадларини бажара олмади. Айнан XX аср 80-йиллари иккинчи ярмида Ўзбекистон аграр республика бўлишига қарамасдан бу ерда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги кучайди. Аҳолининг гўшт, сут, тухум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳатто оддий нонга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмади. Республикада мавжуд бўлган колхоз ва совхозларда инқироз ва иқтисодий танглик кучайди.

Совет жамиятида бошланган қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати барча соҳаларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш ўрнига шошма-шошарлик билан қабул қилинган турли қарорлар, ҳукумат дастурлари ва бошқа тадбирлар натижасида аграр соҳадаги инқирозни янада тезлаштирди. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган турли тажриба ва уринишлар ўз самарасини бермади. Бригада (жамоа) пудрати, ижара пудрати ва бошқа шаклдаги ижобий ўзгаришлар ҳам чала қолиб кетди. Совет даврида шаклланган бошқарув элитаси ва коммунистлар ўз позицияларини топширишни хоҳламай, меҳнаткаш ўзбек халқи, хусусан,

қишлоқ аҳолиси устидан ҳукмронлик ва зўравонлик сиёсатини давом эттирди.

Ўзбекистон ССР Президентининг 1991 йил 11 январда "Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-124-сонли Фармонига асосан пахта майдонларини қисқартириш эвазига қишлоқда яшовчи ҳар бир оила, посёлка, қишлоқ, туман ва вилоятда янги томорқа участкаларига ёки мавжуд томорқа участкаларини кенгайтиришга муҳтожларни аниқлаш вазифаси қўйилди[20]. Натижада шахсий ёрдамчи хўжаликлари 1990 йил бошида 205 минг гектар бўлган бўлса, 1992 йилда 550 минг гектарни ташкил этган[21]. 1985 йилда шахсий ёрдамчи хўжаликларида 657,8 минг киши банд бўлган бўлса[22], 1990 йилга келиб 1153,6 киши, 1991 йилнинг охирига келиб 1361,5 киши томорқа ерларида меҳнат билан банд бўлган[23]. Шахсий томорқа хўжаликларидаги ерларнинг кўпайиши ҳисобига 700 мингдан ортиқ киши фаол меҳнатга жалб қилинган[24].

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ шахсий ёрдамчи хўжаликларининг номи деҳқон хўжалиги деб қайта номланди. Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида яйловларда 1 гектаргача ўлчамда берилади[25].

Қишлоқларда яшовчи аҳолига ер ажратиб берилиши мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ижобий ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. Томорқа олган оилалар ўзларини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, ортиқча маҳсулотни бозорда сотиш имкониятига эга бўлган. Аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилган ҳолда, ишсизликнинг кучайиб кетиш хавфини олдини олган. Бундан ташқари, одамларда меҳнатга бўлган муносабатни ўзгартирган.

Ўзбекистон ССРда XX аср 80-йиллари охирига келиб, аграр соҳада мулкчиликнинг янги шакли бўлган фермер хўжаликлари ташкил топа бошлади. Ўзбекистон ССРда дастлабки деҳқон (фермер) хўжаликлари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилоятида жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан вақтинча ижарага берилган ерларда 1988-1989 йиллардан бошлаб вужудга кела бошлаган[26]. 1998 йилгача бўлган даврда

---

[20] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991й., 3-сон, 35-модда.
[21] Набиев Д. Хизмат кўрсатиш соҳаси // "Иқтисод ва ҳисобот", 1995. – №33. – Б. 35.
[22] Сулаймонов И. Ҳаракатда баракат ёки бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларининг бандлиги // "Иқтисодиёт ва ҳисобот", 1993. – №3. – Б. 45.
[23] Ўзбекистон Марказий давлат архиви, М-37-фонд, 2-рўйхат, 74-иш, 163-варақ.
[24] Жўрабеков И. Янги Ўзбекистон – янги қадамлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 52.
[25] Ўзбекистон Республикаси "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 88-модда.
[26] Ҳайдаров Ҳ . Фермерчилик истиқболлари // "Иқтисод ва ҳисобот", 1993. – № 4. – Б. 28.

фермер хўжаликларининг номи баъзан фермер хўжалиги, баъзан деҳқон хўжалиги[27], деҳқон (фермер) хўжалиги[28], якка деҳқон хўжалиги, оилавий индивидуал хўжалик[29] деб аталган. Жамоа ёки давлат хўжаликлари деҳқон (фермер) хўжаликларини пул маблағи, чорва ҳайвонлари, ем-хашак ва материаллар, зарурат бўлса, ер ва сув билан таъминлаганлар[30].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 ноябрида "Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-295-сонли Фармонига асосан деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил қилиш учун ер участкалари камида 10 йил муддатга ижарага, биринчи навбатда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш учун ажратилиши белгиланди[31]. Натижада деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 1992 йил охирига келиб 5942[32] тага кўпайиб, уларнинг ихтиёридаги ерлар 33,0 минг гектарни[33] ташкил қилган. Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида деҳқон (фермер) хўжаликлари Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига асосан ташкил этилган махсус ер фондларида тузилган. Кўпгина ҳолларда деҳқон (фермер)ларга ажратилган ер майдони юридик жиҳатдан уларга бириктирилмасдан жамоа хўжаликлари раҳбарларига қарам бўлиб қолган. Айрим район агросаноат уюшмаларининг раҳбар ва мутахассислари, хўжалик юритишнинг янги шакли, деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантиришга етарли даражада эътибор қаратмаганлар. Ҳатто айрим раҳбарларнинг бундай муҳим ишга тўсқинлик қилиш ҳоллари ҳам қайд этилган[34]. Ер бериш шартнома асосида камида 10 йил муддатга берилиши керак бўлган бўлса, айрим раҳбарлар 1 йилдан 5 йилгача бўлган шартномаларни тузишган. Бундан ташқари деҳқон (фермер) хўжаликларига берилган ер майдони мелиоратив ҳолати ёмон бўлганлиги учун экин ерларидан фойдаланилмай қолиш ҳоллари ҳам бўлган[35]. Бу даврдаги муаммолардан бири деҳқон фермер хўжаликларининг сони ва уларнинг ер майдонларининг ҳажми ҳисобининг аниқ юритилмаганлигидир. Муаммоларнинг яна бири фермер бўлмоқчи бўлган шахсларнинг иқтисодий имкониятларини аниқ ва тўғри баҳоланмаганлигидадир. Деҳқон (фермер) хўжалигини ташкил қилиш хўжалик раисининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлган.

---

[27]Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни, "Ўзбекитон овози", 1992 й, 14 август.

[28] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-295-сонли Фармони, 1991 йил 29-ноябрь // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 9- модда.

[29] Қаххоров М. Фермер бўлиш осонми ? // "Иқтисод ва ҳисобот", 1994. – № 10-12. – Б. 49.

[30] Ризоқулов А. Фермерга нима керак ? // "Ҳаёт ва иқтисод", 1992. – №4. – Б. 75.

[31] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 9-модда.

[32] Ўзбекистон Миллий архиви, М-110- фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 11-варақ.

[33] Ўзбекистон Миллий архиви, М-110- фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 135-варақ.

[34] ЎзР ҚСХВ идоравий архиви // ЎзР ҚСХВ ҳайъатининг йиғилиш Қарорлари (1993 йил материаллари), 142-варақ.

[35] ЎзР ҚСХВ идоравий архиви // ЎзР ҚСХВ ҳайъатининг йиғилиш Қарорлари (1993 йил материаллари), 521-варақ.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигидаги зиддиятли ўзгаришлар ва фермерлик ҳаракати (1998-2008 й.)”** номли иккинчи бобида жамоа ва давлат хўжаликларини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжаликлиги)ларига айлантирилиши ва уларга санациянинг қўлланиши масалалари, шунингдек, фермерлик ҳаракатига тўлиқ ўтилиши ўрганилган.

1998 йилга келиб, Ўзбекистон Республикасида аграр соҳа ривожланишининг иккинчи босқичи, яъни фаол институционал ўзгаришлар даври бошланди. Чунки аграр соҳа билан боғлиқ бўлган бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ҳамда “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонунлари қабул қилинди. 1998 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда жамоа хўжаликлари қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкат хўжаликларига)[36] айлантирила бошланди. Ширкат хўжалиги товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир[37].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сонли Қарорига асосан 1998 йилнинг ўзида жами 65 та[38], 1999 йилда 884[39] жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилди. 2002 йилга келиб 1900 та хўжаликлар ширкат хўжаликларига айлантирилган. 2002 йилда эса 1,4 млн. киши ширкат аъзоси бўлган. Кўплаб имкониятлар ва давлатнинг қўллаб-қувватлашига қарамасдан, ширкат хўжаликларининг ривожланиши бу соҳада моддий манфаатдорлик тамойилларини таъминламади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Деярли барча туман ва вилоятларда ширкат хўжаликлари аъзолари, уларнинг раҳбарлари ўртасида сўров ўтказилди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, кўпчилик ширкат хўжалиги аъзолари ва раҳбарлари бу ўзгаришлар нима учун қилинаётганини, унинг мазмун-моҳиятини яхши билмайди”[40].

Ўзини ўнглай олмаган, иқтисодий жиҳатдан ночор хўжаликларни ҳукумат йўли билан қўллаб-қувватлаш, оёққа турғазиш мақсадида 1997 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. 1998 йилдан бошлаб, ширкат хўжаликларини янги асосда ташкил этиш билан

---

[36] *Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)* – тадқиқотда бу атама кейинги ўринларда **ширкат хўжалиги** деб ишлатилади.

[37] Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 84-модда.

[38] Ўзбекистон Миллий архиви, М-37- фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 92-95-варақ.

[39] Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг 1996-2000 йиллардаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумоти. – Б. 87.

[40] “Халқ сўзи”, 2000 й, 12 февраль.

бирга, зарар билан ишлаётган ширкатларни санацияга[41] тортиш бошланди. Санация амалга оширилган хўжаликларда бошқарув тузилмасини мақбуллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, дебиторлик қарзларини ундириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шартномавий-ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш, агротехника қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш тадбирлари орқали инқироздан чиқариш кўзда тутилган[42]. 1999-2002 йиллар давомида санацияга тортилган кўплаб хўжаликларда санациялаш жараёни етарли самара бермаган. Агар 1998 йилда санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарининг 92 фоизи ёки 104 тадан 96 таси молиявий барқарорликка эришган бўлса, 1999 йилда санацияга тортилган 150 та хўжаликнинг 51 таси ёки 34 фоизи, 2000 йилда санацияга тортилган 82 та хўжаликнинг 35 таси ёки 43 фоизи иқтисодий барқарорликка эришиш учун яратилган бу имкониятлардан самарали фойдалана олмаганлар. 2001 йилда санацияга тортилган 76 та хўжаликнинг 34 таси йилни зарар билан якунлаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига асосан, 1999 йилдан 2007 йилнинг охиригача бўлган даврда 2102 жамоа ва ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Фермер хўжаликлари сони 1998 йилда 23 мингдан ортиқ бўлса, 2007 йилнинг охирига келиб, уларнинг сони 200 мингдан ошиб кетди. Шунга мувофиқ, экин майдонларининг ҳажми ҳам 446,5 минг гектардан 5,5 млн. гектарга кўпайган. Ўртача ер майдони шу йилларда 19,3 гектардан 26 гектарга кўтарилди.

Фермер хўжаликларининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида 2002-2005 йиллар давомида 702 та минибанк, 895 та СФУ, 981 та муқобил МТП, 639 та минерал ўғит, 835 та нефт, 224 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш шохобчалари, 207 та чорва моллари сотиш ва зооветеренария, 162 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган[43].

Ўрганилаётган даврда фермер хўжаликлари мустақил товар ишлаб чиқарувчи хўжалик сифатида фаолият юритиши бўйича асосий ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Фермер хўжаликлари қолган мулк шаклларига нисбатан самарали мулк шакли эканлигини исботлади. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликлари тугатиладиган, зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилди. Шунингдек, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш механизми яратилди. 2007 йилнинг охирига

---

[41] Санация – йирик корхоналарни синишдан сақлаш мақсадида давлат ҳисобидан амалга ошириладиган ёрдам, чора-тадбир. Қаранг: Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – Б. 138.

[42] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 21-сонли Қарори, 1998 йил 14 январь // w.w.w. lex.uz.

[43] ФХУ идоравий архиви // Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг 2005 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботи, 3-варақ.

